

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

603 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ–3860-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 5-бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ–1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 15 февралдаги 21, 16, 3-02, 01-02/8-44-сон қарори (рўйхат рақами 2436, 2013 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 157-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2015 йил 12 ноябрь,
105-сон

603-модда

— 50 —

47 (703)-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 12 ноябрь,
99-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 12 ноябрь,
2015/10-9-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 12 ноябрь,
01-02/8-42-сон

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона
қўмитасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 105,
99, 2015/10-9 и 01-02/8-42-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт
божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод
қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига
киритилаётган қўшимчалар**

1. Қуйидаги тахрирдаги 71¹ — 71⁷ позициялар билан тўлдирилсин:

71 ¹ .	8471 50 000 0	Телекоммуникация тармоқлари ва Интернетга ула- ниш ускуналари таркибига кирувчи ҳисоблаш ма- шиналари ва маълумотларни қайта ишлаш блок- лари, серверлар (вазни 10 килограммдан ортиқ бўлмаган персонал компьютерлар, портатив ҳисоблаш машиналари бундан мустасно)
71 ² .	8471 90 000 0	Телекоммуникация тармоқлари ва Интернетга ула- ниш ускуналари таркибига кирувчи: ҳисоблаш машиналари ва уларнинг блоклари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

		бошқа жойда номи келтирилмаган ёки киритилмаган магнит ёки оптик ўқиш қурилмалари, маълумотларни ахборот ташувчиларига кодланган шаклда ўтказиш машиналари ва шу турдаги ахборотларни қайта ишлаш машиналари (вазни 10 килограммдан ортиқ бўлмаган персонал компьютерлар, портатив ҳисоблаш машиналари бундан мустасно)
71 ³ .	8517 61 000 9	Таянч станциялар
71 ⁴ .	8517 62 000 1, 8517 62 000 9, (телекоммуникация тармоқлари ва Интернетга уланиш ускуналари, серверлар, антенналар)	Коммутация қурилмалари, маршрутизаторлар, симли ёки симсиз алоқа тармоқларида уланиш учун шлюзлар, (масалан, локал ёки глобал алоқа тармоғида), ташувчи частотада симли алоқа тизимлари учун ёки рақамли симли алоқа тизимлари учун аппаратура, рақамли узатиш тизимлари, мультиплекслаш, спектрал зичлаш ускуналари. (тўғридан-тўғри уланишни ташкил этиш учун ускуналар; Home Gateway ускуналари; DSLAM ускуналари; ADSL модемлари; ўтказувчанлик қобилияти 16 E1-GE гача бўлган оптик мультиплексорлар бундан мустасно)
71 ⁵ .	8517 70 190 0, 8517 70 900 1 (телекоммуникация тармоқлари ва Интернетга уланиш ускуналари, серверлар, антенналар)	Таянч станцияларнинг бошқа қисмлари, бошқа антенналар ва антенна қайтаргичлари, 8517 62 000 1 кичик субпозициясига кирадиган ҳисоблаш машиналари қурилмаларининг қисмлари
71 ⁶ .	8525 80 190 0	Телевизион камералар, рақамли камералар ва ёзувчи видеокамералар
71 ⁷ .	8529 10 950 0, 8529 10 800 0	Барча турдаги антенналар ва антенна қайтаргичлари; ушбу жиҳозлар билан бирга фойдаланиладиган бошқа қисмлар, антенна филтрлари ва ажратувчи қурилмалар